



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2000 йил 16 декабрь, шанба

№96 (11.281)

Эркин нархда сотилади

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Илгари хабар қилганимиздек, Тошкентда 14 декабрь куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессияси бошланди. 15 декабрь куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессияси давом этди.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди. Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси А.Турсунов иккинчи ўқишда киритилган «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини депутатлар эътиборига ҳавола қилди. Қонун лойиҳаси муҳокамасида Қарши давлат университети ректори Н.Ҳакимов, Хатирчи туманидаги А.Икромов номидagi агрофирма раиси Э.Қаҳоров, Косонсой тумани ҳокими У.Маматов, Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг масъул котиби - «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари А.Болиев иштирок этди.

Шундан сўнг Президент Ислам Каримов сўзга чиқди. Давлатимиз раҳбари барчамиз терроризмнинг мамлакатимиз хавфсизлиги учун нечоғлик қатъий таҳдид эканлигини чуқур ҳис этишимиз лозимлигини алоҳида таъкидлади. Терроризм кўпгина давлатларда жиддий хавфга айланиб, халқаро миқёсдаги муаммо бўлиб бормоқда. Бу ёвузликка қарши самарали кураш олиб бориш учун курашининг янги, ноанъанавий шакллари ва усуллари ишлаб чиқиш зарур. Шунингдек, Президент ушбу жиддий хавфга



етарлича баҳо берилмаслиги, унга юзак ёндашиш жиддий сиёсий хато эканлигини қайд этди. Энг муҳими, қонунларимизда терроризм нафақат бизнинг давлатимиз, балки бутун жаҳон ҳамжамиятига хавф солувчи жиддий муаммо эканлиги ўз ифодасини топиши лозим. Биз миллий қонунчилигимизда, энг аввало «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонунда бу муҳим муаммони ҳал этиш билан боғлиқ барча масалаларни тўлиқ ақс эттиришимиз зарур.

Парламент қонунни тасдиқлади. Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси А.Турсунов янги таҳрирдаги «Мудофаа тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси хусусида маъруза қилди. Ушбу масала бўйича Иқтисодиётни ислох қилиш ва тадбиркорлик ма-

салалари қўмитаси раиси-нинг ўринбосари К.Йўлдошев, Бўзатов тумани ҳокими А.Жуманов, «Намангангаз» бошқармаси бошлиғи З.Тожибоев, Тошкент архитектура-қурилиш институти ректори Б.Асқаров сўзга чиқди. Депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллашди.

Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси И.Кочмарик «Махсус юрлар ва ҳарбий таркиблар транзити тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси юзасидан маъруза қилди. Мазкур ҳужжат муҳокамасида Сирдарё тумани ҳокими И.Эрбеков, «Ўзтемирйўл-маштабмил» ишлаб чиқариш бirlашмаси бош ди-ректору О.Раматов иштирок этди. Депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда тасдиқлашди.

Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси раиси И.Қаландаров «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини депутатларга тақдим этди. Мазкур қонун лойиҳаси юзасидан Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ректори М.Нормуродов, Шредер номидаги илмий-ишлаб чиқариш институти Фаргона филиали илмий ходими М.Раҳматов, Навоий тумани ҳокими Э.Бердиев, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев сўзга чиқди. Парламент қонунни қабул қилди.

Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси И.Кочмарик депутатларни «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Қонун

лойиҳаси билан таништирди. Мазкур ҳужжат тўғрисидаги мулоҳазаларини «Ўзвотйўл» давлат акциядорлик концерни бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари М.Абдуллаев, Хива тумани ҳокими М.Мадаминов, «Ўзбекивест» экспорт-импорт Миллий сўғурта компанияси бош директори С.Умаров билдирди. Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан тасдиқланди.

Депутатлар Иқтисодиётни ислох қилиш ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раиси М.Умаралиевнинг маърузаси бўйича Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунчилик ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритишди.

Олий Мажлис бир қанча халқаро шартномалар ва конвенцияларни ратификация қилди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари, Олий Мажлис Қенгаши қарорларини тасдиқлади, баъзи қўмиталар таркибига ўзгаришлар киритди.

Депутатлар котибият раҳбари А.Саъдуллаевнинг парламент номига келиб тушган аризалар тўғрисидаги ахборотини тинглашди. Олий Мажлис ваколат муддати тугагани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяларини сайлади. Суд раиси этиб қайтадан Б.Эшовон сайланди.

Парламент Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий Ҳўжалик суди таркибига ўзгаришлар киритди.

Шу билан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўртинчи сессияси аяқунланди.

**Р. ЖУМАНЎЗОВ,
М. АМИН (ЎЗА)
суратга олган.**

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Мухтарам дўстлар!

Мана шу муборак кунларда сиз, қорақалпоқ адабиёти ва санъати намоёндаларини, барча анжуман иштирокчиларини азим пойтахтимиз Тошкентда бошланаётган Қорақалпоғистон маданияти байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Она Ўзбекистонимизнинг кўпмиллатли оиласида, унинг иқтисодий ва маданий тараққиётида Оролбўйи ўлкасининг ўзига хос ўрни ва салоҳияти борлиги барчамизга аён.

Қорақалпоқ халқи қадим-қадимдан мардлик, муҳаббат, она Ватанга садоқат каби олижаноб туйғуларни эъзозлаб, ўзининг бетакорор кўшиқ ва дostonларида улуглаб келади.

Бу халқнинг бадиий тафаккури ва юксак маънавияти «Қирқиз» каби дostonлар, шу муқаддас заминда яшаб ўтган, эл-юрт озодлиги, адолат ва маърифат учун курашини ҳаётининг маъно-маъмуни деб билган Кунҳўжа, Ажиниёз ва Бердақ каби оташнафас шоирларнинг ижодида яққол ўз ифодасини топган.

Улуг аждодларимиз меросидан баҳра олиб, маънан ва руҳан юксалган қорақалпоқ халқи айниқса мустақиллик йиллари-

да ўзligини тўла намоён этиб, серқирра маданиятини ҳар томонлама ривожлантираётгани ҳаммамизни қувонтиради.

Мана шундай гўзал санъат ва маданиятни яратган, уни асраб-авайлаб келаётган Қорақалпоқ шоир ва адиблари, расом ва бастакорлари, кўплаб атоқли санъаткорлари ва ёрқин истеъдод соҳиблари бутун Ўзбекистонимизнинг гурур-ифтихорига айланган, десак, асло муболага бўлмайдми.

Қадрили анжуман иштирокчилари! Ишончим комилки, сизлар бу байрамга нафақат бетакорор санъатингиз намуналарини, жарангдор кўшиқларини, айни вақтда бепоён далалар, кўз илғамас янговлар нафасини, мени ўз фарзанди деб билган қорақалпоқ халқининг юрак ҳароратини ҳам ўзингиз билан бирга олиб келгансиз.

Сизларни яна бир бор қутлар эканман, эзгуликни, Ватанга муҳаббат, дўстлик, меҳр-оқибат каби юксак гоҳларни тараннум этишда барчангизга битмас-туганмас куч-ғайрат, ижодий ютуқлар, анжуман ишига муваффақиятлар тилайман.

**Ислам КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.**

ТОШКЕНТДА ҚОРАҚАЛПОҚ ЎТОВЛАРИ ЭШИК ОЧДИ

Мамлакатимиз пойтахти Тошкентда Қорақалпоғистон Республикасининг маданият кунлари байрам қатнашчиларининг Темурйўллар тарихи давлат музейини зиёрат қилиш ва буюк бобоқалонимиз, шеърят мулкининг султони Алишер Навоий ҳайкали пойига гулчамбар қўйиш билан бошланди. Сўнгра Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри фойеида Оролбўйининг иқтисодий болалари чизган ранго-ранг расмлар кўргазмаси очилди.



Мамлакатимизда барча миллат ва элларга мансуб ёшларнинг чуқур билим олиши, ўз қобилиятларини намоён қилиши учун ҳукуматимиз томонидан кўпдан-кўп хайрли ишлар амалга оширилаётган. Янги асрнинг дастлабки йили Президентимиз Ислам Каримов томонидан республикамизда Оналар ва болалар йили деб эълон қилинганлиги ҳам айнан ана шу гамхўрликнинг намунасидир.

Шуниси эътиборлики, кўргазмадан ўрин олган расмларнинг аксарияти Ўзбекистон Бадиий академиясининг Нукусдаги тасвирий ва амалий санъат лицей-интернатида ҳамда Эшон бахши номидаги болалар санъат мактабидан тахсил олаётган ўқувчиларнинг ижод намуналаридан иборат. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган мазкур лицей-интернатда Қорақалпоғистоннинг турли чеккалари-

дан келган истеъдодли болалар мусаввирлик сир-асрорларини ўрганишмоқда.

Қорақалпоқ маданият кунларининг ўтказилиши туфайли иқтисодий болаларимиз ижодини, истеъдодини пойтахт орқали бутун мамлакатимизга намоиш этиш имконияти яратилди. Деди қорақалпоғистонлик мусаввир, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи си Женис Лепесов. - Ушбу кўргазмага юзга яқин суратлар тақдим этилган. Уларда жонанж ўлка, шаҳар ва қишлоқларимиз манзаралари, замонадорлигимиз ҳаёти ва урф-одатлари ўз ифодасини топган.

Айни вақтда томошабинлар театр майдонида очилган ноёб меъморчилик санъати ҳисобланмиш қорақалпоқ ўтовларига тақлиф этилди. Бири бошқасига мутлақо ўхшамайдиган ранго-ранг ўтовлар бағрикенг, қалби дарё, доғишманд ва саҳий қорақалпоқ халқи амалий

санъатининг жозибаси, бетакорорлигидан ҳикоя қилади. Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида очилган «Нукус музейи дурдоналари» деб номланган кўргазма ҳам санъат илҳомидан ташкил топиб, улар Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, машҳур хайкалтарош Жўлдошбек Қуттимонов, Бозорбой Серекеев, Жоллибой Иззетов сингари кўзга кўринган расом, хайкалтарошларнинг бетакорор асарларини қизиқчи билан томоша қилмоқдалар.

Тадбирларда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Мелибоев, Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов иштирок этди.

**Н.УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири.**

ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА МУРОЖААТИ

Азиз ватандошлар!

Саноқли кунлардан кейин инсоният янги минг йилликка қадам қўяди. Бугун янги аср бўсағасида туриб, беихтиёр ўзимизга ўзимиз шундай саволлар берамиз: тугаётган аср қандай кечди ва янги аср қандай бўлади? Ўтиб бораётган XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида мустақилликка эришган Ўзбекистон давлати учун бу саволлар шунчаки рамзий маънога эга бўлмай, балки янги-янги амалий ҳаракатларга ундовчи даъват ҳамдир. Бугун биз босиб ўтган йўлимизни чуқур мушоҳада қилиб, аяли асрдаги истиқболимизнинг оқилона стратегиясини белгилаб олишимиз эга муҳимдир.

XX аср мўзига юз тутмоқда. Бу юз йиллик инсон ақл-заковати ва салоҳиятининг, илму фан, техника ва маданиятининг буюк тараққиёти баробарида аянчли воқеалар даври ҳам бўлди. Бир эмас, икки жаҳон уруши, фашизм, ядро хавфи, оммавий сиёсий қатагонлар, диний экстремизм ва халқаро терроризм сингари муҳим ҳодисалар айни XX асрда пайдо бўлди. Лекин тугаб бораётган асрнинг энг муҳим интиҳоси - «совуқ уруш» даври барҳам топди. Ўзбекистон деб аталмиш Ватанимиз сингари қатор мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши шарофати билан бутун дунё киефаси ўзгарди.

Бундан олти юз йил муқаддам буюк соҳибқирон Амир Темур она заминимизда қудратли давлатга асос солди, унда фан, маданият юксак чўққиларга кўтарилди, миллий давлатчиликнинг янги тамойиллари қарор топди. Бу давр Ватанимиз учун туб маънода янги йўғириш даври бўлди. Орадан олти юз йил ўтган, беҳад тарихий синовларга дош берган, мустақиллашчилик, тоталитар тузум азоб-қуббатларини бошидан кечирган халқимиз XX аср хотимасида чинакам эркинликка эришди, ўз миллий ва маданий қадриятларини тиклади, мустақил тараққиёт йўлига юз тутди. Мустақилликка эришганимиз боис мамлакатимизнинг янги тарихи бошланди.

Бугун зўр гурур ва қониқиш билан айта оламизки, қисқа тарихий давр ичида Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлиги остида мамлакатимизда ҳуқуқий, демократик давлат, фуқаролик жамияти асослари яратилди, миллий истиқлол мафқураси шакллана бошлади. Энг муҳими, фуқароларимизнинг

онги ва дунёқараши ўзгариб бормоқда. Ҳамюртларимиз мустақил тузум асоратларидан воз кечиб, ҳаётдаги ўз ўринларига янги-ча назар билан қарамоқдалар. Фуқароларимизнинг фаоллиги, турмушимизни қайта қуриш ва янгилаш зарурлигига, уларнинг ўз юрти истиқболига бўлган ишончи ортиб бормоқда. Кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотлар амалиётида «Ўзбекистон модели» деб ном олган жамият тараққиётининг янги модели пайдо бўлди. Унда инсон тўғрисида, айниқса улғайиб келаётган ёш авлод ҳақида гамхўрлик қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб эътироф этилган. Эндиликда Ўзбекистон бутун олам учун ўз дарвозаларини очди. Ватанимиз дунё ҳам-жамиятида ўзининг мустақам ўрнини топди, жаҳон сиёсатида обрў-эътибор қозонди. Ҳозир Ўзбекистон олдида замонавий демократик давлатни барпо этиш ва халқаро ҳам-жамиятга янада фаол ўйгунлаштиришдек бекиёс вазифалар турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг биринчи сессиясида илгари сурган мамлакатни янада ривожлантиришнинг стратегик дастурига мувофиқ биз икки ва ташки сиёсат, давлат қурилиши ва бошқаруви, иқтисодиёт, маънавият, суд-ҳуқуқ, хавфсизлигини таъминлаш соҳаларидаги ислохотларга янги илҳом бахш этишимиз зарур бўлади. Ана шу кўламдор вазифаларни рўёбга чиқариш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ишончли ва мукамал ҳуқуқий асосини яратмоғи зарур бўлади.

Азиз ватандошлар!

Биз, парламент аъзолари, комил ишонч билан айтаемизки, янги аср халқимиз учун катта тарихий ғалабалар асри бўлади. Шу муносабат билан сизларни жамиятимиз ва давлатимиз ҳаётини ислох қилишда бундан бунён ҳам фаол иштирок этишга чақирамиз. Давлатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, ҳуқуқий фуқаролик жамияти қуриш, Ўзбекистон Республикаси халқининг гуллаб-яшнаши учун қонунчилик жараёнини муттасил ривожлантириб бориш, парламентимиз - Олий Мажлис фаолиятини такомиллаштириш зарур эканлиги шак-шубҳасиз. Қабул қилинган қонунларнинг амалга ошириш механизми тўла куч билан ишлашига, Конституцияимизнинг

нормалари жамият ва давлат фаолиятининг ҳақиқий асосига айланишига эришиш ўта муҳим вазифамиздир.

Мамлакатимиз иқтисодий ва сиёсий ҳаётини эркинлаштириш бўйича бошланган ижобий ишларимизни изчил давом эттиришимиз лозим. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун энг аввало Марказий Осий минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлашимиз зарур. Ҳозирги кунда хавфсизлик масалалари яхлит бир тушунча бўлиб, барча мамлакатлар учун ҳам бирдек долзарб муаммо эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Тинчлик, барқарорлик ва минтақавий хавфсизликка таҳдид солаётган хавф-хатарларнинг олдини олиш, унга барҳам бериш борасидаги ҳаракатларимиз Марказий Осий мамлакатларининг салоҳиятини ўйгунлаштириш ва бирлаштириш, ўзаро ҳам-жихатлиқни мустаҳкамлаш учун муҳим аҳамият касб этади.

Буюк аждодларнинг ворислари, бой тарихий қадриятларга эга бўлган кўпмиллатли Ўзбекистон халқи ўз олдида улуг ишларни мақсад қилиб қўйишга ҳақли. Ва у бекиёс аънаваларимиз ҳамда умуминсоний қадриятларга суянган ҳолда ўзининг эзгу мақсадларига етишга қодир.

Ўзбекистон - Оллоҳ назар қилган диёр. Янги аср мамлакат учун янгилаш ва тараққиёт даврига айланишига ишонамиз. Шу боисдан ҳам мустақил юртимизнинг ёруғ истиқболни учун барчамиз ҳамжихат бўлиб курашайлик. Мақсадимиз Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги ва келажак авлоднинг бахт-саодатидир. Мамлакат тақдири, сизу бизнинг тақдиримиз фақат ўзимизга, ўз меҳнатимиз ва ақл-идрокимизга боғлиқ.

Азиз дўстлар!

Бугун янги минг йиллик бўсағасида туриб, Ўзбекистон аҳолиси, Марказий Осий халқлари ва сайёрамизнинг барча ахлига тинчлик ва ривож тилаймиз. Ишончимиз комилки, XXI аср бутун жаҳон халқлари ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ҳамжихатлик асри бўлиб қолади. Шу пок ниятимизнинг рўёбга чиқишида Яратганнинг ўзи бизга мададкор бўлсин.

2000 йил 14 декабрда, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессиясида қабул қилинган.

ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР ҲАРАКАТДА

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессияларида қабул қилинаётган қарор ва тадбирларнинг ижросини таъминлаш, назоратни йўлга қўйиш вилоят халқ ҳўжалигини ривожлантириш, ислохотларни чуқурлаштиришда катта аҳамиятга эга.

Шунинг учун ҳам сўнгги пайтда вилоят Кенгашининг доимий комиссиялари фаолиятини жонлаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Айниқса, бўлажак сессияларда қўриладиган масалаларни олдиндан таҳлил этилиши ва кун тартибига қўйилиши яхши самара бермоқда.

Хусусан, вилоят Кенгашининг аграр ва сув ҳўжалиги масалалари доимий комиссияси аъзолари ўзининг сўнгги йиғилишларида вилоят қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ривожланишнинг

2000 йил якунлари ва бу соҳада ислохотларнинг бориши ҳамда 2001 йилдаги вазифаларни муҳокама этди. Вилоят Кенгашининг саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари доимий комиссияси аъзолари эса вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясида муҳокама этилиши режалаштирилган вилоятда маҳаллий саноатни ривожлантириш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш ва бу борада рес-

публика ҳукумати қарорларининг бажарилишини кўриб чиқмоқдалар. Шу кунларда вилоят Кенгашининг ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари доимий комиссияси аъзолари ҳам фаол ишлашмоқда. Улар вилоятда соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишнинг 1998-2005 йилларга мўлжалланган ҳамда «Соғлом авлод йили» муносабати билан қабул қилинган давлат дастурларининг бажарилиши ва 2001 йилда олдимизда турган вазифалар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқдалар.

Бугунги кунда ўткир бўлиб турган масалаларнинг депутатлар томонидан шу тарика чуқур ўрганилиши вилоят Кенгашининг сессияларида қабул қилинадиган қарор ва тадбирларни пухта қабул қилиниши ва ижросини таъминлашда янада катта роль ўйнайди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Қарори ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуни-нинг 17-моддасига биноан ҚАРОР ҚИЛАМАН:

Иккинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг тўртинчи сессияси 23 декабрь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Вилоят Кенгашининг раиси

У. МИРЗАҚУЛОВ.

2000 йил 15 декабрь.

Ислохот одимлари

«Латофат», «Китоб», «Садаф», «Мададор», «Бриз», «Экология», «Иссиқкюн» — булар кейинги йилларда Чирчиқда барпо этилган кичик корхоналар ва хусусий тадбиркорлик тузилмалари. Уларда, асосан, истеъмол бозорига мўлжалланган турли-туман маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда. Аҳолига ҳар хил хизмат кўрсатишга ихтисослашган бошқа корхоналар ҳам анчагина.

Чунончи, «Экология» кичик корхонаси жамоаси буюклар тайёрламоқда. Махсулотининг бозори чаклон, буюртмаларнинг кети узилмайди. Чунки, сифатлиги, айни вақтда арзонлиги билан харидордир бўлмоқда. «Латофат» хусусий фирмаси эса автомашиналар учун ён кўзгулар чиқармоқда. «Бриз» кичик корхонаси жамоаси полистилен хом ашёсидан қатор рўзгор буюмларини тайёрлаш билан шуғулланипти. «Садаф» стоматология, «Мададор» савдо фирмалари хизматидан чирчиқликлар тобора кенг фойдаланмоқдалар. «Иссиқкюн» хусусий фирмасида тайёрланаётган нон ва нон маҳсулотлари фуқаролар дастурхонини безамқда...

МАВҚЕИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА, АММО...

Юқорида тилга олинган тадбиркорлик тузилмалари жамоалари ўз фаолиятларини бозор иқтисодиётига ўтиш шароитлари талабларини ҳисобга олган ҳолда олиб бораётганликлари учун ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳамжамлини мунтазам ошириб бормоқдалар. Ҳозирги вақтда эса шаҳарда 600га яқин шундай катта-кичик ҳўжалик субъектлари ишлаб турибди. Улар қаторида аҳолига транспорт, маиший, воситачилик хизматлари кўрсатувчилари ҳам бор. Бундан ташқари, яқка тартибда меҳнат қилувчилар сони ҳам кўпайиб борапти.

Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг шаҳар иқтисодиётидаги мавқеи мустаҳкамланиб бораётганлиги диққатга сазовордир. Кейинги йилда ҳам салмокчи силжишга эришилди. Чунончи, ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш ва кўрсатилган хизматдан олинган тушум жорий йилнинг тўққиз ойида 4 миллиард 148 миллион сўмини ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 72,6 фоиз ортиқдир.

Иқтисодиётнинг бу тармоғига тегишли товар айланмаси ҳажми ҳам ортиб борапти. Йилнинг тўққиз ойида у бир миллиард 200 миллион сўмликдан ошиб кетди. Ўсиш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2,7 баравар кўп бўлди. Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 2,1 баравар ортиб, 112 миллион сўмга етди.

Хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишдан қўзғалган асосий мақсад фойда олишдир. Фақат шундай бўлгандагина ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳсулот тайёрлашни кўпайтириш, ишчи-хизматчиларнинг фаровонлигини ошириш учун

кулай имкониятлар яратилади. Бу соҳадаги кўрсаткичлар ҳам чакки бўлмади. Асарият кўпчилики кичик бизнес корхоналари унинг кўпайишига эришмоқдалар. Уларнинг шу йилнинг тўққиз ойида кўрган фойдалари 350 миллион сўмдан ошди. Унинг ўсиши ўтган йилнинг

шу давридагидан 76 фоиз ортиқ бўлди. Жорий йилнинг тўққиз ойи якуни бўйича хусусий тадбиркорлик тузилмаларида ишловчилар сони 3360 кишини ташкил этди. Уларда 129та янги иш ўринлари яратилди.

Чирчиқда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантиришда эришилган утуқлар, унинг салмокчи чакки эмас. Лекин, бундан мулкдорлар синфини шакллантириш вазифасини бажаришда камчиликлар йўқ экан, деган хулосага келиб бўлмайди. Нуксонлар бор. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқнинг ривожланиши сўрашлари давр талабига тўла жавоб бериш даражасида эмас. Шаҳарда ишсизлик муаммосини ечишда кичик бизнес ҳал қилувчи омилга айланиши йўқ. Бу ерда ишсизлик сезиларли камиймаётганлигини шу билан изоҳлаш мумкин. Бунинг устига улардаги ишловчилар сонининг ўтган йилдагига нисбатан 10 фоиз қисқарганлиги ачинарли бир ҳолдир. Айрим тадбиркорлик тузилмалари ўз фаолиятларини тўхтатганлиги ёки су-

сайтириб юборганлиги бунинг асосий сабабидир. Шу даврда 63та кичик ишлаб чиқаришлар ва фирмалар ёпилди.

Бундай аҳволнинг содир бўлишига олиб келган камчиликлар шундан иборатки, тадбиркорлар моддий ашёлардан, ўзлари тайёрлаган маҳсулотларни сотиш учун бозорлардан кенг ва тенг фойдалана олмаётганлиги. Айниқса, хом ашё таъминотидаги қийинчиликлар ишнинг белига тепмоқда. Қи-рини ички бозордан етарлича топа олма-япти, чет эллардан импорт қилиш имкони бўлмаяпти. У уддаланганда ҳам жуда қимматга тушмоқда, оқибатда маҳсулот танна-ри охиби, бозори касод бўлмоқда.

Шундай бир шароитда шаҳардаги мута-садди ташкилотлар — ҳокимлик, хусусийла-тириш бўлими, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси тегишлича ердан кўрсатмаётганлиги. Турли хил сансалорлик-лар, молиявий-ҳўжалик фаолиятига асосли ва асосиз аралашушлар ҳамон барҳам топ-маётганлиги эса тадбиркорликка бўлган ишонччи сусайтирапти.

«Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, мулкдорлар синфини шакллантириш қиш-лоқда ҳам, шаҳарда ҳам иқтисодий исло-хотларнинг муваффақиятига гаров бўлиши лозим», — дейди республикаимиз Президенти Ислам Каримов. Бунга эришиш учун иқти-содининг келажаги порлоқ бўлиши, халқ фаровонлигининг ошиши, ишсизлик камай-ишининг асосий омилларидан бири бўлган мулкчиликнинг хусусий шаклини тараққий-латириш йўлида барча имкониятларни, мав-жуд салоҳиятни сафарбар этиш, бу муҳим иш билан мунтазам ва чуқур шуғулланиш лозим. Бу сўзлар чирчиқликларга ҳам тўла тааллуқлидир.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Пайшанба куни Грин-вич вақти билан соат 5.00да (Тошкент вақти билан 10.00) АҚШ вице-президенти, демократ Алберт Гор мамлакат телевидениеси орқали халққа мурожаат қилиб, беш ҳафтадан буён чўзилиб келаётган сиёсий кураш тугагани, ўз рақиби, республикачилар партияси вакили Жорж Бушнинг галабасини тан олганини билдирди.

У Жорж Бушни телефон орқали галаба билан табриклаганини айтди. Бу Америка Қўшма Штатларида, биз ўз манфаатимизни давлат манфаатларидан устун қўйишга ҳаққимиз йўқ. Мен азбаройи халқимиз бир-дамлиги ва жипслиги, демократик жамиятимизнинг мустақамлиги учун расман ўзимнинг мағлубиятга ураганимни тан оламан, деди у ўз нутқида.

Аслида бу нутқ 8 ноябрь куни айтилиши керак эди. Аммо, не ажабки, мамлакат ҳаётида ҳеч ким кутмаган сиёсий машмашалар бошланиб кетди. Техас штати губернатори билан вице-президент ўртасида роса беш ҳафта давом этган да-ҳанаки жанг ҳалокат оммавий ахборот воситаларининг беш мавзуларидан бирига айланди, десак хато бўлмайди.

7 ноябрь куни бўлиб ўтган президент сайлови Оқ уйнинг янги ҳўжайини ким бўлишини бирданига аниқлаб бера олмагани дунё ахлини таажубга солгани сир эмас. Демократия Жамолунгмаси ҳисоблан-миш АҚШда ҳали бунақаси ку-затилмаган эди. Аввалига, сайлов натижалари эълон қилингандан сўнг, Алберт Гор мағлубиятини тан олиб, Жорж Бушни телефонда табрикла-ди. Аммо, қўққисдан масла-ҳатчи Уильям Дейли унга кўнгирик қилиб, шошмаслик-ни, ҳали галабадан умид бор-лиги, Флоридада юзага кел-ган вазият шунга тақозо эта-ётгани ҳақида хабар берди. А.Гор дарҳол ўз сўзини қай-тариб олди.

Шундан кейин Флоридада сайлов натижаларини қайта



МАМЛАКАТИМИЗДА қад кўтарган ва барпо этилаётган минглаб катта-кичик иншоотлар, кўп қаватли уй-жойлар, ҳашаматли маъмурий бинолар ва маданий-маиший му-ассасаларда Бекобод очик турдаги цемент ҳиссасдорлик жамияти жамоасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Чунки, бу корхонада ишлаб чиқарилаётган қимматли қурилиш материаллари — цемент, шифер, оҳак, асбоцемент қурув-лари уларнинг ҳаммасида ишлатилган десак, муболаға бўлмас. Ҳўжалик йилни яхши кўрсаткичлар билан якун-лаш борасида клинкер цехи жамоаси ҳам баракали меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: цех бошлиғи Зокиржон Турсунқулов (чапда) ва айланма печ машинисти Халимқул Очиловлар бошқа-рув ўлганда олдига жараёнарнинг боришини назорат қили-шяпти.

Дилшод АҲМЕДОВ олган сурат.

КЎМИР КУКУНИДАН... ЎҒИТ

ни барпо этиш учун замин яратди. Шундай технология Ангрен ГРЭС корхоналарида ҳам жорий қилинди. Корхонада ҳосил бўлган кўмир қўйқумлари-ни қайта ишлашда олим-лар тавсияси қўл келди.

Қайта ишлов жараёни-да ҳосил бўлган чиқинди-лардан органик ўғитлар олиш мумкинлиги аниқ-ланди. Бу хил ўғит тарки-бида 40-50 фоиз органик моддалар бор экан. Шу сабабли ундан органик

ўғит сифатида кенг фойдаланиш мумкин. Мол гўнги ўрнини бема-лол босадиган мазкур ўғит тупроқни гумос моддаси билан ҳам бойитади.

Акбар АЛИЕВ.

ШАРТНОМА ҲАМКОРЛИК НЕГИЗИ

«Тошвиюктранс» давлат акциядорлик автокорхона-лар концерни кўпдан — кўп миқозларга хизмат кўрсатади. Уларнинг ҳаммаси билан бундай ҳамкорлик шартнома асосига қўрилган. Авто-транспортчилар уларни доим тўла бажаришга ҳаракат қиладилар. Ми-жозлар эътиборидан қолмаслик учун бу жуда муҳимдир.

Концерн жамоаси жорий йилнинг ўтган даврида бу со-ҳада яхши натижаларга эришди. Барча вазирликлар ва идоралар билан тузилган шартномалар тўла бажарил-ди. Шу тўғрйли белгиланган режанинг техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича топиш-риқлар тўла ва ортиқ билан адо этилиши таъминланди. Қўпчилик автокорхоналар жамоалари зиммаларидаги вазифаларни муваффақиятли уддаламоқдалар. Бу концерн бўйича меҳнат натижалари-нинг салмокчи бўлишига олиб келаяпти. Шу тўғрйли ҳам олинган жами даромад ўш миллиард сўмини ташкил этди. Бу эса шу йилнинг тўққиз ойи учун белгиланган топишриққа нисбатан деяр-ли 150 фоизни, ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 158 фоизни ташкил этади. Миқозларнинг эса 13 милли-он тоннадан ортиқ ҳажмида юк-лари белгиланган манзил-ларга етказиб берилди.

Транспортчилар асосий вазифаларидан ташқари қатор қўшимча юмушларни ҳам бажармоқдалар. Чунон-чи, аҳолига хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилган. Шу йилнинг ўтган урта чорагиде фуқаролар юқини ташийшдан тушган маблаг ҳажми 29,2 миллион сўмга етди. Бу шу вақт учун назарда тутилган кўрсаткичдан 1,5 баравар кўпдир. Қатор корхоналарда кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Шу даврда бундай маҳсулотлар тайёрлаш топ-шириги 118 фоиз қилиб адо этилди.

Собир ҲАМИДОВ.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ «ПАХТА УРУҒЧИЛИГИ» БИРЛАШМАСИ ПАХТА УРУҒЧИЛИГИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНДИГАН ХЎЖАЛИКЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ БЎЙИЧА 2000 ЙИЛНИНГ 13 ДЕКАБРИДАН 21 ДЕКАБРИГАЧА ТЕНДЕР ЎТКАЗИШНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Пахта уруғчилиги билан шуғулланидиган хўжаликларни танлаб олиш бўйича тендер шартлари:

1. Хўжалик намуналар деҳқончилик маданиятига эга бўлиши шарт.
2. Хўжалик бошқаруви раиси, бош ҳосилот ва шу соҳа мутахассислари уруғлик пахта етиштириш бўйича етарли малакага эга бўлиши лозим. Элита пахта уруғчилик хўжа-ликларининг вазифаларини билиши шарт.
3. Тупроқнинг унумдорлиги балл бонитети бўйича 60 балдан кам бўлмаслиги ва ернинг мелиоратив шароити талаб даражасида бўлиши шарт.
4. Уруғлик пахта битта далага 3 йилдан ортиқ экилмаслиги зарур.
5. Баҳор ойларида хўжалик ҳудудиде табиий офат (сел, дўл, гармсел) йўли ўтмаган бўлиши муҳим.
6. Хар йили хўжалиқдаги ҳайдалмаган майдоннинг камиде 20-25 фоизига оралик экинлари экилиши талаб қилинади.
7. Хўжалиқда гўзанинг фақат битта нави экилиши шарт (янги гўза навлари уруғини кўпай-тирувчи хўжалиқлардан ташқари).
8. Уруғлик пахта илмий асосланган технология асосида ва берилган тавсияларга тўла амал қилинган ҳолда парвариш қилиниши шарт.
9. Хўжалик техника, ишчи кучи, сўғориш тармоқлари ва сув ресурслари билан етарли даражада таъминланган ва иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлиши зарур.
10. Хўжалик кейинги 3-5 йилларда пахтадан барқарор юқори ҳосилдорликка эришган бўли-ши даркор. Бу ҳақдаги маълумот тақдим этилиши шарт.
11. Хўжалиқда тупроқ унумдорлигини муттасил ошириб бориш мақсадида органик ўғитлар-дан фойдаланиш ва алмашиб экиш тизими йўлга қўйилган бўлиши талаб қилинади.
12. Хўжалиқда агротехник тадбирларни сифатли ва юқори унум билан бажарилишини таъ-минлаш учун ерлари текис бўлиши ва карталарнинг ўртача катталиги 8-10 гектардан кам бўлмаслиги керак.
13. Хўжалиқда меҳнат ва ижрочилик интизоми юқори бўлиши шарт.
14. Хўжалиқнинг сув билан таъминланганлик даражаси ва ерларнинг мелиоратив ҳолати, сўғориш тармоқлари ва зовурларнинг ҳолати кўнглидагидек ишлаши лозим.
15. Уруғликдан тушган устама ҳақларни Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган тартибга асосан тақсимланганлиги ҳақидаги маълумотни тақдим этиш.
16. Мавжуд элита-уруғлик лабораторияларининг бино ва асбоб-ускуналар билан таъмин-ланганлиги.

Қўшимча маълумотлар учун Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 77-уй, Тошкент вилояти «Пахта уруғчилиги» бирлашмасида мурожаат этишини эълон қиламиз.

Телефон: 54-45-21.

ЖОРЖ БУШ — АҚШНИНГ ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТИ

кўриб чиқиш ишлари бошлан-ди. Бу жараён шу қадар чўзи-либ кетдики, ҳатто айрим ку-затувчилар Флоридада қайси номзод кўп овоз олганини ту-гал аниқлаб бўлмаслиги ҳақида гапириб қолди. Умум-мамлакат бўйича ҳисобда А.Гор рақибидан 377 минг кўп овоз тўплаганига қарамай, асосий натижа сайловчилар ҳайъатининг мажлисидан ке-

Тезкор шарҳ

йин ҳал бўлади. АҚШда пре-зидент сайлови тизими шун-дайки, халқ сайловчилар ва-киллари сайлайди, улар эса президенти. Флоридадаги галаба сайловчилар ҳайъати-да Ж.Буш номига овоз бера-диганлар сони 271га етказ-ди, А.Гор тарафдорлари эса 267лигича қолди.

Сайлов жараёни чигалла-шиб, машмашалар кун сайин ортиб бораётгани боисми, демократлар вакили курашни тўхтатишни маъқул қўрди. Дунё унинг «таслим ҳақидаги

икрори»ни эшитди. Шунга таъкидлаш жоизки, демократ-лар, мағлуб бўлган эса-да, А.Гор навбатдаги, яъни 2004 йилда бўладиган президент сайловида қатнашиб, респуб-ликачиларни четга суриб чи-кажасига қаттиқ ишонч бил-дирмоқда.

Келаётган душанба куни сайловчилар ҳайъатининг мажлиси бўлади. Улар чиқа-радиган қарор бутун сайлов жараёнига нуқта қўйиши ке-рак. Одатда ҳайъат аъзолари халқ истаган номзодни қўллаб-қувватлайди. Лекин истисноларни ҳам эҳтимолдан йироқ тутиб бўлмайди. Дей-лик, тўсатдан ҳайъат аъзоси-нинг қайфияти ўзгариб, у бошқа номзодни ёқлаб юбо-риши ва (ҳозирги ҳолатда) А.Гор президент бўлиб кети-ши мумкин. Аммо, энди шун-дай кескин бурилиш бўлиб қолса-чи, деган ҳавотирга ўрин йўқ. Чунки А.Гор расман кураш майдонини тарк этга-нини айтди.

Шундай қилиб, Америка Қўшма Штатларида аср ин-

тихосида бўлиб ўтган пре-зидент сайлови республи-качилар галабаси билан тугади. АҚШнинг 43-пре-зиденти бўлиш Техас шта-ти губернатори Жорж Буш-га насиб этди. Демократ Алберт Гордан фарқли ўларок, у Оқ уй раҳбарли-ги учун биринчи бор ку-рашди. У янги давлат раҳ-бари сифатида 2001 йил-нинг 20 февралда қасамд қабул қилади.

Шу ўринда, қисқача Жорж Бушнинг ўзи ҳақида. АҚШнинг 41-президенти Жорж Бушнинг ўғли кичик Жорж Буш 1946 йилда Кон-нектикут штатининг Нью-Хейвен шаҳрида таваллуд топган. У 1975 йилдан 1986 йилгача нефть-газ саноати-да фаолият кўрсатган. Икки марта, яъни 1994 ҳамда 1998 йилда Техас штати губернатори этиб сайлан-ган. Унинг рафикаси Лора Уэлч собиқ ўқитувчидир. Уларнинг иккита (эгиз) қизи бор.

Ғайрат САЙДУЛЛАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

ҚАЙТИШ

Бўка туманидаги қолақ бўлиб келган Улуғбек номли жамоа хўжалиги ишбилармон, ташкилотчи кадрлар билан мустаҳкамланганлиги туфайли бир йилнинг ўзидаёқ қаддини ростлаб, илгорлар сафидан ўрин олди

Бу қанақаси бўлди?! Қачонгача даврлар-да, катта-кичик йигинларда бошимизни эгиб юрамиз. Нима учун қосамиз оқармапти? Қўлимиз ёлғиз пул кўрмаяпти-ку, ахир. Биз-нинг бошқалардан қаримиз кам? Катта бир хўжалик таркибидан ажралиб қиб, Улуғбек номини олиб, мустақил бўлганимизга, мана, 8-10 йил бўлибдики, ишимиз юришмайди. Карвоннинг охирида судралиб келяптимиз. Нега? Бизда имконият йўқми, еримиз унум-сиз, одамларимиз укүвсиз, дангаси, ишқ-масми? Йўқ, ундай эмас! Ахир эслаб қўрай-лик, ўша 1991-92 йилларда қишлоғимизда униб-ўсиб воғая етган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи унвонига эга бўлган Аҳмаджон Ҳакимов раислик қила бошлагани-да хўжалик юқалиш йўлига дадил қадам қўйган эди-ку.

Лекин, уни кўп қўрдилар. Аҳмаджон ака айрим сабабларга қўра ишдан бўшади. Хўжа-лиқнинг кейинги тақдирини нима бўлди? Ҳақиқат шунки, Аҳмаджон сўнг хўжалиқда 6 марта раис алмашди. Лекин, ишда ижобий ўзгариш қўза ташланмади. Қайтага орқага сурилди рўй берди. Хар йили пахта режаси 70-75 фоизда қолиб кетаверди. Аҳмаджон ака дав-рида бошланган ободончилик ишлари ўлда-жўлда бўлиб қолди.

Ортик бу аҳволга чидаб бўлмасди. Ҳам-қишлоқлар ана шундай қатъий қарорга кел-дилар. Навбатдаги ҳисобот йигилишида шун-дай бир раисни сайлайликки, у хўжаликни қолақлик ботқоқидан олиб чиқиш салоҳияти-га эга бўлсин. Албатта, ўзимиз ҳам қараб турмаймиз, унга эш бўламиз.

Лекин, кимни сайлашимиз керак? Бу ма-сала ҳақида кўп ва ҳўп ўйладилар. Кўпни кўрган қариялар билан маслаҳатлашдилар ва ниҳоят Аҳмаджон Ҳакимовни қайтадан сайла-шимиз керак, деган тўғтамаг келдилар. Ле-кин, Аҳмаджон ака кўнариқини?

Оқсоқолларнинг бу фикр, тақлиф ва муло-ҳазаларини туман ҳокимлиги, ҳатто вилоят-дагилар ҳам маъқулладилар: Аҳмаджон акага ўзимиз айтганимиз, нимаики ердан бўлса бера-миз.

Шундай қилиб, ўтган йилнинг март ойи охирида Аҳмаджон ака қайтадан раис қилиб сайланди. Халқ ишончи унга янгича куч ва қувват бағишлади. У ишни техника саройи-дан бошлади. Бу бежиз эмас. Деҳқоннинг тирикчилиги, экин-тинининг ривож, ҳосил-нинг баракаси асосан техника билан. Афсус-ки, у ердаги техникаларнинг деярли ҳаммаси ишдан чиқиб, яроқсиз холга келиб қолган эди. Нима қилиш керак? Хўжалиқнинг иқтисодий аҳволи ночор. Янгисини сотиб олишга қур-билари етмайди. Шунда механизаторлар, мутахассислар, тракторчиларнинг ўзлари жум-боқчи ечишга ердан бердилар. Техникалар-нинг яроқли қисмлари ҳам бор. Шунинг учун беридагисини иккинчига олиб ўрнатамиз, алмаштирамиз. Хар ҳолда иккита-учта техни-кадан битта бутун техника яратса бўлади! Раис кам шунини ўйлаётган эди.

Шундай қилиб, техника саройида таъмир-лаш, бутлаш ишлари қизиб кетди. Қисқа вақт ичиде талайгина тракторлар тикланди. Хар ҳолда хўжалик ўзининг беиминнат техникасига эга бўлди. Бу дала ишларининг жонлантириш юборилишига катта туртки берди. Ерлар экишга сифатли тайёрланди. Уруғлик чигит-ни танлаш, саралашга ҳам гоятда синчковлик билан муносабатда бўлдилар.

Хўжалик эши бор-йўғи 340 гектар майдон-да пахта этиштирилади. Демак, мана шу оз майдондан тош босадиган ва юқори навли ҳосил олинши кўзлаб иш олиб бориш керак. Шу мақсадда «Фаргона-3» нави танланди. Унинг афзаллиги қўсаги йирик бўлади, тош босади. Лекин, суви кўп талаб қилади.

Деҳқонлар бу гапни бежиз айтишмаётган эди. Сабаби, хўжалиқда анчагина майдонда-ги гўза насос орқали сўғорилади. Ўтган йил-лари ана шу насослар яхши ишламай, авжи гўза парвариши даврида экинлар қониб сув ичмади. Натижада ҳосил яхши етилмади. Раис хўжалик фаоллари, мутахассислар ва мутаасдилар билан гапнашиб, маслаҳатла-шиб, бунинг ҳам чорасини ўйлаб қўйганларчи-ни айтди. Ердан беришади. Янги насос со-тиб олинад. Албатта, сув таъминоти кўнгли-дегидек бўлади, деб айтди. Шундан кейин экишга киришилди. Бу тадбир 7 апрелда бошланди ва бир ҳафта давомида тугаллан-ди. Чигит ерини намага ундириб олинди. Майсалар қўзга ташлишини биланок биринчи сув қўйилди. Гўза ўч-тўрт шона кўрсатиши биланок иккинчи сув берилди. Кейинги сўғо-риш ҳам ўз вақтида, маромида бўлди. Бу орада насос ҳам ишга тушди. Гўза серҳосил ва дуркун бўлиб ривожланди. Фаоллар бош-чилигида хонадонлардан, фермадан йилги-

ган маҳаллий ўғит шарбат қилиб оқизилди. Бу ҳосилнинг салмокчи бўлишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Йиғим-теримни бошлашдан олдин обдон кенгашиб олдилар. Мақсад ҳосилдан барака кўтарилмасдан, асосан биринчи терим ҳис-о-бига йиғиб олиш эди. Шу мақсадда МТП билан ҳам келишилди. 2 та «Кейс» машина-си теримга жалб этилди ва улар ердамида 280 тонна пахта терилди. Қолган ҳосил асо-сан ҳашарчиларсиз, қишлоқ ахли ердамида терилди. Машина теримига ҳам, кўл тери-мига ҳам ҳақ тўлашда ҳукуматимизнинг қаро-ри дастуриламал бўлди. Натижада даладаги ҳосил қисқа вақтда, ёғинли-сончили қўнларга қолмай йиғиб-териб олинди, режа бар-вақт бажарилди. Энг муҳими ҳосилнинг сиф-ати қафолатланди, бу катта ютук эди!

— Ҳозирча биз меҳнатни ташкил этишининг жамоа усулидан фойдаланиб келяптимиз, — дейди раис, — пудратчилар, деҳқонлар ўз ишларини билиб қилидилар. Бригада бош-ликлари ташкилотчилик вазифасини ўтайди-лар. Биз асосан улар билан мулоқотда бўла-миз, пудратчилар ўз муаммоларини бригада бошликлари орқали бизга етказадилар: қаер-га, қачон сув қўйиш керак, қачон барқ тўқи-ши бошласа бўлади, қачон теримга киришиш зарур. Қанча ўғит зарур, техника нега иш-ламай қолди ва ҳоказо. Биз уларнинг истак ва талабларини ўз вақтида адо этиш учун барча имкониятларни ишга солиамиз. Шунинг учун ҳам пудратчилар, деҳқонлар бор маҳо-ратлари, тажрибаларини ишга солиб, бутун ёз бўйи астойдил меҳнат қилдилар. Юқори ҳосил олдилар. Мана, Утир Ҳукуватовни олайлик. У тўрт гектар майдондан 28 цент-нердан ҳосил олиб, хўжалиқда биринчилар-дан бўлиб режасини бажарди. Мингтош Жураев олти гектар ердан эш юқори ҳосил топширди. Пулат Умаров 16 гектар ерда пахта етиштирди. Режасини 114 фоизга ет-казиб адо этди.

Хуллас, хўжалиқда режасини бажармаган пудратчи, деҳқон қолмади ҳисоб. Ҳамманинг кўнгли тўқ, қайфияти яхши. Топширган пах-таси ҳисобига пировард натижада бунча пул, шунча миқдорда мол, қўнжар, шелуха ола-ман, деб ният қилиб турибди. Ниятига ета-ди ҳам. Бундан ташқари, галла, шол режа-ларини бажарганликлари ҳисобига натура сифатида тўланган ҳақлар ҳисобланса, бу йил деҳқоннинг пичоғи мой устида бўлганлигига шубҳа қилмаймиз.

Нисбатан кичкина хўжалиқнинг катта ютуқ-лари ҳақида ўйларканмиз, беихтиёр ана бир

Рамазон ўғитлари ОЙЛАРНИНГ СУЛТОНИ

Сапар чоғи қулоғимга азон товуши эшитилди. Кўнгида хислар найсон. Муборак Рамазон ойда яхши ният, хайрли амаллар қилиш олатига айланган. Хар бир хонадонда ўзга бир қайфият ҳукмрон. Саҳарлик қилишга бир дастурхон атрофига жамулжам бўламиз. Ҳикматлар айтиб, ўғитлар эшитиб, зекимимиз яна ҳам қайралади.

Рамазон ойи — ойларнинг султонидир. Одамлар бу ойда ўзаро туш муомалада бўлишади. Рўза тушиб, нафсларини жиповлайдилар, шукрона айтидилар, ранжитишу кўрслик барчага бегона бўлади. Одамлар ўзаро иноқлашиб, гина-қудратлар унутилади. Яхшилик қилишга, саховат кўрсатишга мойиллик сезамиз ўзимизда. Бу ойда хаста дилларни йўқламоқлик катта савоб. Хадиси Шарифларда баён этилишича, моҳи рамазонда қилинган ҳар бир дуо, сўралган тилак, ижобат бўлар экан.

Шукрона ёғилади тилларимиздан, шукрона айтамыз кун-тунимизга. Яхшилик қилиб, келганча қўлларимиздан, қувват қўшамиз иймон — устунимизга.

Мукаддас ЮСУПОВА.

Бир ртда фазлу ҳикматда тенги йўқ бир ҳакам бор экан.

Ўша юрт подшоши унинг таърифини эшитиб, қизиқиб қолибди. Бир куни ўша ҳақимни ҳузурига чақириб, ҳар соҳада уни имтиҳон қилиб кўрибди. Ҳақим подшо берган барча саволларга қониқарли

Китоб одам умрининг зийнати, дейдилар. Яна инсониятнинг кашфиётлари, ижодлари китобларга жамланган бўлади. Шу сабабли ҳам қадимдан уни доимо эҳтиёт қилинади, авайланади, авлоддан авлодга мерос қилиб қолдирилади. Оҳангарон шаҳар болалар кутубхонасида 1973 йилдан бери меҳнат қилиб келаётган Мавлуда опа Ғаниева ўз умрини зиё улашишга бағишлаганлардан бири. У бош бўлган кутубхонада 40 минг китоб бор. Уларнинг орасида йиртиги, эскисини тополмайси. Чунки, Мавлуда опа ҳамиша уларни назорат қилиб, таъмирлаб боради. 8 минг китобхон шунинг учун ҳам опани ҳурмат қилади.

СУРАТДА: Мавлуда опа Ғаниева ўқувчилар билан суҳбатда.

Дилшод АҲМЕДОВ олган сурат.

Ибратнома

НАФС БАЛОСИ

жавоб қайтарибди. Подшо ўзича: «Буни вазир қилиб олсам бўларкан, лекин аввал ҳимматини ва одоб-ахлоқини бир синаб кўриш керак», деб ўйлабди. Ҳақим билан бир товоқдан овқат еб кўрмоқчи бўлиб, олдида қовурилган товуқ келтириб қўйишни буюрибди. Ҳақим битта товуқни зўр иштаҳа билан еб, иккинчисига қўл қўзибди.

Буни кўриб подшо ўзича шундай дебди: Бу одамнинг назари ниҳоятда паст экан. Менинг кўз олдимда товуқни шундай еса, менинг йўқлигимда

мол-мулкимни қандай еркан?

Натижада ҳақим баднафс ва одобсизлиги оқибатида вазираликдан маҳрум бўлган экан. Халқимизда «Менинг нафсим балодур, ўтдан-чўққа солодур!» деган нақл белиш пайдо бўлмаган.

Севдора ЛАТИПОВА.

«ҚИЗ ЎСТИРГАН АЙБДОРМИ?»
(2000 йил 18 октябрь)

ЯХШИ ГАП БИЛАН

Кейинги пайтларда «қўйди-чикди»ларнинг кўпайиб кетаётганлигига аксарият ҳолларда катталар — «орзу-ҳавас»га ўч ота-оналаримиз ҳам сабаб бўлаётганлиги шубҳасиз...

Тўғри, «Ота рози — Худо рози» деган ҳикматга амал қилмоқлик яхши-я, агар у ота кўпни кўрган, фикр-мулоҳазали бўлса... Менинг ҳам тўғри фарзандим турмушга чиққанига 3 йил бўляпти. Худога минг бора шукр, ўзини билган, бодоб хонадонга келин бўлиб тушди. Кўвимиш ориятли, меҳр-оқибатли йигит. Шундай фарзандни тарбиялаб вояга етказган қудаларимизга раҳмат. Қизимизни ўз фарзандидан асло кўришади. Ширингина неварамиз бор. Еру-қўкка ишонишмайди. Аммо яна бир оилани биламан. Нозик-таъб, меҳнаткаш, озода қиз. Кўв бўлиш томони-дан дастлабки кунлардақоқ таҳрирдан. Арзанда ўил кайф-сафони, тўй-ҳашамларни хуш кўрар, борган жойида эрталабча қолиб

ҳам кетар экан. Ҳатто янги кўв бўлганда ҳам одатини қанда қилмаган. Эътироз билдирган келин бечора қилласи чиқмаёқ калтакланди. Ўғлининг феълини яхши билган она келинни ҳимоя қилишни ўйламаган ҳам... Кўв эса: «Сенга ота-онамнинг сўзи билан уйланганман, ўзимни яхши кўганим бор», дебди. Наҳотки одамгарчилик, инсонийлик каби ҳислатлар онада ҳам бўлмаса? Бўлганда фарзандига шу фазилатни ўргатган бўлармиди?

Халқимизда «Фарзанд ота-она учун жавоб бермайди, аммо ота-она фарзанд тарбияси учун масъулдир» деган нақл беҳиз айтилмаган. Кўпинча келин ёқмай қолса «иш қилишни билмайди» деб айтадилар. Аслини олганда келин қайнонанинг «қули» эмас-ку! Агар

қайнона ширинсўз, оқила бўлса қар қандай инсонни йўлга солса бўлар. Аммо бу фикр билан қиз боққан, тарбиялаган оналаримизни масъулиятдан соқит қилмоқчи эмасми. Зеро, хуш-калом, чаққон, ораста келин бўлиш учун оқила онанинг тарбияси жуда ҳам зарур... Гап ёш оилаларнинг эрта ҳазон бўлмаслигидея айтганларидек: «Нихоҳ шартномасини қўчага киритиш» лозим. Шунда «буниси бўлмаса бошқасини олиб бераман» қабилда иш тутадиган қайноналар ҳам «олдимга туш, ҳали сени уйланмаган йигитлар олади!» дея қизларини бахтсиз қилаётган оналар ҳам ўйлаб иш қилишади. Шунингдек, Маънавий бойликдан қўра моддий бойлик — мол-дунёга қўпроқ эътибор бериш ва қўйди-чикдилар қамайса ажаб эмас.

Сайёра РАҲМОНҚУЛ қизи, Ангрен шаҳри.

ТУРМУШ ҚУРИШГА ТАЙЁРМИСИЗ?

Фарзанд, айниқса, қиз боланинг тарбияси ниҳоятда масъулиятли вазифа ҳисобланади. Оилада бу вазифа асосан оналар зиммасига юклатилган. Чунки, қиз боланинг энг яқин маслаҳатқўйи, таъбир жоиз бўлса, сирдоши она ҳисобланади.

Халқимизда «Онасини кўриб, қизини ол» деган ибора беҳиз айтилмайди. Шу ўринда бир савол турғилади: ҳозирги қизларимиз оилада қандай тарбия олмоқдалар? Оналаримиз уларни муқтали ҳаётга тайёрлай олаётдиларми? Таълимийда ўтган йили 26та нихоҳ бекор қилинган бўлса, шуларнинг 80 фоизи ҳатто бир йил ҳам турмуш қурмай ажрашган. Шу йилнинг ўтган 10 ойида эса 22та нихоҳ бекор қилинди. 5 йигит-қиз ҳаётларининг биринчи ойларидақоқ «келиша олмадик» деб ажрашдилар.

Бу ҳудуднинг қор қатлами ва сел оқимини тадқиқ этишни кенгайтириш мақсадида ахборот тизими технологияси асосида янги картография ишланмалар юзгага келди. «Чимен тоғининг қор қатлами ва сел оқими» деб номланган жўроқ-фий ахборот тизими ҳам ишлаб чиқилди.

Ана шу жараёнларни ўрганишда «Гидрометасб» бирлашмаси томонидан яратилган янги харитадан фойдаланила бошланди. Бу йирик миқёсلى харита тоғлик ҳудудларда қурилишлар олиб бориш юзасидан лойиҳалар тузишда, сел хавфидан ҳимоя қилиш бўйича тадбирлар белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Ақбар АЛИЕВ.

Халқимизда «Онасини кўриб, қизини ол» деган ибора беҳиз айтилмайди. Шу ўринда бир савол турғилади: ҳозирги қизларимиз оилада қандай тарбия олмоқдалар? Оналаримиз уларни муқтали ҳаётга тайёрлай олаётдиларми? Таълимийда ўтган йили 26та нихоҳ бекор қилинган бўлса, шуларнинг 80 фоизи ҳатто бир йил ҳам турмуш қурмай ажрашган. Шу йилнинг ўтган 10 ойида эса 22та нихоҳ бекор қилинди. 5 йигит-қиз ҳаётларининг биринчи ойларидақоқ «келиша олмадик» деб ажрашдилар.

Бу ҳудуднинг қор қатлами ва сел оқимини тадқиқ этишни кенгайтириш мақсадида ахборот тизими технологияси асосида янги картография ишланмалар юзгага келди. «Чимен тоғининг қор қатлами ва сел оқими» деб номланган жўроқ-фий ахборот тизими ҳам ишлаб чиқилди.

Ана шу жараёнларни ўрганишда «Гидрометасб» бирлашмаси томонидан яратилган янги харитадан фойдаланила бошланди. Бу йирик миқёсلى харита тоғлик ҳудудларда қурилишлар олиб бориш юзасидан лойиҳалар тузишда, сел хавфидан ҳимоя қилиш бўйича тадбирлар белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Ақбар АЛИЕВ.

Халқимизда «Онасини кўриб, қизини ол» деган ибора беҳиз айтилмайди. Шу ўринда бир савол турғилади: ҳозирги қизларимиз оилада қандай тарбия олмоқдалар? Оналаримиз уларни муқтали ҳаётга тайёрлай олаётдиларми? Таълимийда ўтган йили 26та нихоҳ бекор қилинган бўлса, шуларнинг 80 фоизи ҳатто бир йил ҳам турмуш қурмай ажрашган. Шу йилнинг ўтган 10 ойида эса 22та нихоҳ бекор қилинди. 5 йигит-қиз ҳаётларининг биринчи ойларидақоқ «келиша олмадик» деб ажрашдилар.

Бу ҳудуднинг қор қатлами ва сел оқимини тадқиқ этишни кенгайтириш мақсадида ахборот тизими технологияси асосида янги картография ишланмалар юзгага келди. «Чимен тоғининг қор қатлами ва сел оқими» деб номланган жўроқ-фий ахборот тизими ҳам ишлаб чиқилди.

Ана шу жараёнларни ўрганишда «Гидрометасб» бирлашмаси томонидан яратилган янги харитадан фойдаланила бошланди. Бу йирик миқёсلى харита тоғлик ҳудудларда қурилишлар олиб бориш юзасидан лойиҳалар тузишда, сел хавфидан ҳимоя қилиш бўйича тадбирлар белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Ақбар АЛИЕВ.

Ўзбекистон халқ табobati академиясининг аъзоси Шовоҳид Шомамудов бери неча йилдан бери доривор ўсимликларнинг таркиби билан шуғулланиб, унинг шифобахш хусусиятларини аниқлаб келади. У шу йўл билан юрак хасталикларини, уйқусизлик, қон босими, бронхит астма, нафас олиш йўллари, ошқозон-ичак, сарик, жигар, қанд касалликлари, шунингдек, бўйрак тоши безовта қилган беморларга шифо бағишлаб келмоқда.

Қуйида у билан бўлган суҳбатни эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Доривор воситалар ҳазинасидан ўрин олган.

— Бугунги кунда ўзбек халқ табобиятининг амалдаги дунё табобиятига асос солгани ҳеч кимга сир эмас. Бу хусусда гап борганда, биргина Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асари олти юз йил давомида дунё табобияти ўқув юрталарида асосий дарслик сифатида ўқитилишини айтиб ўтишнинг ўзи кифоя.

— Саволга ўзингиз жавоб бердингиз. Яна уни тўлдириб айтиш мумкинки, мамлакатимизда Ибн Сино жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги Фармон катта воқеа бўлди. Ана шу ҳужжатда халқ табобатини ривожлантириш бора-сида алоҳида тўхталиб ўтилган. Демак, мақсад аҳоли соғлигини сақлашда халқ та-

қизиқиш ҳозир ҳар қачонгидан ҳам кўнаймоқда. Бунинг боиси бор, албатта. Чунки, халқ табобатчилигида фойдаланиб келинган турли хил шифобахш гиёҳлар ва улардан тайёрланган дорилар организмда асорат қолдирмайди.

— Республикамиз ўсимликлар турига бо. Ҳозирги кунда уларнинг барчасидан табобиятда доривор сифатини қўлдан қўймасдилар. Бу китобларда буюқ олимнинг 300 га яқин доривор гиёҳларнинг хусусиятлари, уларни ўстириш ва ниҳоят бу ўсимликлардан қандай хасталикларда фойдаланиш йўллари баён этиб берилган.

— Қадимги табиблар беморларни аввало мижозларига кўра даволашлар. Сизнинг даволаш услубингиз қандай?

— Кўплаб шифобахш неъматларнинг табиати, яъни мижози табиатлар томонидан аниқланган бўлиб, улар бизгача етиб келган. Мен ҳам даволашда кўпинча шу йўлдан фойдаланаман. Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтиш лозим. Халқ табобиятига бўлган

қизиқиш ҳозир ҳар қачонгидан ҳам кўнаймоқда. Бунинг боиси бор, албатта. Чунки, халқ табобатчилигида фойдаланиб келинган турли хил шифобахш гиёҳлар ва улардан тайёрланган дорилар организмда асорат қолдирмайди.

— Республикамиз ўсимликлар турига бо. Ҳозирги кунда уларнинг барчасидан табобиятда доривор сифатини қўлдан қўймасдилар. Бу китобларда буюқ олимнинг 300 га яқин доривор гиёҳларнинг хусусиятлари, уларни ўстириш ва ниҳоят бу ўсимликлардан қандай хасталикларда фойдаланиш йўллари баён этиб берилган.

— Қадимги табиблар беморларни аввало мижозларига кўра даволашлар. Сизнинг даволаш услубингиз қандай?

— Кўплаб шифобахш неъматларнинг табиати, яъни мижози табиатлар томонидан аниқланган бўлиб, улар бизгача етиб келган. Мен ҳам даволашда кўпинча шу йўлдан фойдаланаман. Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтиш лозим. Халқ табобиятига бўлган

ШИФОБАХШ ЎСИМЛИКЛАР — СОҒЛИҚ ТАРОВИ

фатида фойдаланиладими?

— Ўзбекистонимизда турли иқлим ва шароитда ўсадиган 4200 га яқин ўсимлик турлари мавжуд. Ўшбу ўсимликларнинг юзга яқин туридан расмий табобият доривор сифатида фойдаланилади. Халқ табобатида эса, бу рақам 600 га яқини ташкил этади. Кўриниб турибдики, халқ табобатида қўлланганидан доривор ўсимликларнинг фармакологик таъсири, кимёвий таркиби чуқур ва тўлиқ ўрганилган, албатта расмий табобиятда янги фитопрепаратлар вужудга келади. Бундай дейишга асос бор. Сабаби ҳозирги замон илмий табобиятда ишлатиладиган доривор ўсимликларнинг аксарияти ўз вақтида халқ табобати

бобатидан кенг миқёсда фойдаланишдан иборат.

Аслида, академиямизнинг фаолияти ҳам шу билан боғлиқдир. Унинг асосий вазифаси — қадимий қўлёзмалар ва «Тиб қонунлари» асосида шифобахш ўсимликлар таркибини ўрганиш, уни амалиётга таътиқ қилиш ва ишлаб чиқаришдан иборатдир. Шу кундан 40 дан зиёд шифобахш неъматлар ўрганилди, таркиби тикланди. Ҳозирги кунда улардан иккитасигина ишлаб чиқарилмоқда. Булар қандли диабет, жигар хасталикларида ишлатиладиган «Хусайн» шарбати ва «Осиё» дамлама-сидир.

— Ҳаммани қизиқтирган бир савол. Аксарият табиб-

«ЎҚ ОДАМ»

Эмилио Онра-1875 йил 21 ноябрда Париждаги «Сирк д'Ивер» циркида тўп ўқи ўрнида ўнган биринчи одамдир. Тўп отилганида энг узоққа учиб бўйича рекордини 1940 йили Эмануэль Закини ўрнатди. У бу парвозни Нью-Йоркдаги «Ринглинг Брос энд Барнум Бейли серкис» циркида ижро этган эди. Закини тўп оғиздан 86,9 км/соат тезликда чиқиб, 52,3 метр учиб ўтди.

«ЯШИН ҚАЙТАРГИЧ»

Дунёда 7 марта яшин урган ягона одам — со-биқ бог назоратчиси Ройк Салли-вэндр (АҚШ). Унинг «яшин қайтаргичлик» қоби-ляти илк бора 1942 йили мамон-вэндр разряди теккан Ройк оёғининг бош бармоғидан ажралди. Бундай воқеалар 1969 йил июлда (қошлари қуйиб кетди), 1970 йил июлда (чап елкаси қуйди), 1972 йил 16 апрелда (сочлари ва

риб, «Пайнер Чероки» русулли икки енгил тайёранинг осмонга кўтарилишига имкон бермади. Авиадвигателларнинг умумий тортиш кучи эса 612 килограмми ташкил этарди. 1986 йил 18 ноябрда Лондондаги «Гэвлин» тайёра-гоҳида 60та киши бир дақиқаю, 17 сония давомида 170 тонна оғирликдаги «Макдоннелл-Дуглас» Д Си 10/30» тайёрасини шатакка олиб, уни 100 метргача судраб боришди.

Дилшод ҚОСИМОВ тайёрлади.

УМИДАЛИ ЁШЛАР ҲАМ БОР

БУГУН Чирчиқ шаҳридаги «Кимёгар» спорт мажмуида бокс бўйича республика чемпионати мусобақалари старт олди.

БИР ҲАФТА давом этиши режалаштирилган чемпионатда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда мамлакатнинг барча вилоятлари чарм қўлқоп усталари ҳам шахсий, ҳам жамоа ҳисобида чемпионлик унвонини қўлга киритиш учун кураш олиб борадилар. Чемпионат Низомига мувофиқ ҳар бир жамоадан бокс туридаги жами 12 вазн тоифасида бир нафар-

Бокс

моаси қатнашди ва иккита олтин, тўртта бронза медални қўлга киритди.

К.Ибайсенов ва И.Бердиев олтин, Б.Хидиров, К.Махаматов, А.Комаров ва Н.Азизов эса бронза медалларга сазовор бўлишди. (Ў.А.).

дан спортчи қатнашди.

Вилоятимиз спорт муҳлислари ўшбу мусобақаларда «Сидней-2000» Олимпиада уйинларида иштирок этиб келган Рустам Саидов, Алишер Раҳимов, шунингдек Сирохиддин Наимов ва бошқа умидли ёш боксчиларимизнинг муваффақиятли иштироки эътишларига умид боғламоқдалар.

23 декабрь куни мусобақаларга яқун ясашиб, республика чемпионлари номи маълум бўлади.

АЛЕВТИНАНИНГ ОЛТИН МЕДАЛИ

РОССИЯ Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида шарқ яққа курашининг таэквондо тури бўйича «Оврупо кубоги» очик турнири бўлиб ўтди.

УШБУ халқаро мусобақа очик турнир мақоми остида ўтказилгани боис унда нафақат Оврупо, балки, ўзга китابلарининг айрим мамлакатлари спортчилари ҳам иштирок этиш имкониятига эга бўлдилар. Бинобарин, очик турнирни тугаётган асримизнинг сўнгги йиллидаги энг нуфузли мусобақалардан бири бўлди.

Таэквондо

Шу нукта назардан олганда вилотимиз вакили, тўйтепалик халқаро тоифадаги спорт устаси Алевтина Кимнинг ҳамма рақибларини мағлуб этиб, олтин медал соҳиби бўлганлиги нафақат вилотимиз, балки, бутун республикаимиз спорт муҳлислари учун ҳам қоят қувончли воқеадир.

Тошкент Вилоти Чирчиқ шаҳридаги «Чирчиксуғтаи» МЧЖ ва ЧАКСМУ (4-хитисослашган трест), Янгийўл туманидаги «Янгийўл» КК, Оқўрғон туманидаги «Аланга» КК, Бўқа туманидаги «Автобус-такси саройи» хиссадорлик жамияти, Қибрай туманидаги «ХМК-1» корхоналари икитисодий ноҳор деб топилиб, банкротлик ишмини қўзғатиш учун Ҳўжалик судига топширилмоқда.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
TOSHKENT HAQIQATI

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48
Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.